

Ў.К. Жалолова
фалсафа фанлари номзоди, доцент,
ТДИУ

ЭТИКА ВА УНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Бир донишманддан сўрадилар:

- Одам учун ярашадиган кийимлар ичида энг гўзали қандай кийим?

Донишманд жавоб берди:

- Одам учун ярашадиган кийимлар ичида энг гўзал кийим, бу – одобахлоқ кийимидир. Киши қиёфасини безайдиган, унинг хуснига-хусн қўшадиган бундан ортиқ гўзал кийимни топиш қийин.

Маълумки, одам одам билан тирик. Бу кўҳна ҳақиқат. Аммо ҳар бир одам ўзи бир олам бўлиб яралган, ҳеч қачон бировга айнан ўхшамайди. Шу сабабли ҳам бизларнинг хоҳиш ва эҳтиёжларимиз, орзу ва умидларимиз, яхшилиқ ва ёмонлик ҳақидаги фикрларимиз турличадир. Бундай ҳар хиллик баъзан ният ва истакларимизнинг рўёбга чиқмаслигига сабаб бўлади ва ўзимизни омадсиз, бахтсиз ҳис этиб, тушкунликка тушамиз.

Одам жамиятда яшаб туриб, жамиятдан холи бўла олмайди. Бу ҳолат кишининг барча ишига, жумладан, ахлоқига ҳам бевосита ёки билвосита ўз таъсирини кўрсатади, унинг юриш-туришига нисбатан муайян тарбиявий-маърифий талаблар қўяди, қоидалар ишлаб чиқади. Одамларга баҳо берилганда, уни ёшидан, касбидан, даражасидан қатъи назар ахлоқли ёки ахлоқсиз, тарбияли ёки тарбиясиз, зиёли, ўқиган бўлса ҳам укмаган экан, деб баҳо берилади.

Бунда биз кишиларнинг маънавий қиёфасини хулқ-атворини, яхши ёки ёмон хатти-ҳаракатини ифодалаган бўламиз. Бинобарин, ҳар бир одам бир олам бўлса ҳам, у такрорланмас ноёб, ўзигагина хос бир мўъжиза бўлган тақдирда ҳам бир ўзи яшай олмайди, бахтли ҳам, бахтсиз ҳам бўла олмайди. Шундай экан одам меҳнати, табиати, руҳияти билан жамиятга чамбарчас боғлиқ ва ўзаро таъсирга эга.

Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” рисоласини шундай бошлайди: “Инсонларни яхшилиқка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурғон китобни ахлоқ дейилур”¹. Абдулла Авлоний фикрини давом эттириб бу муаммога чуқурроқ ёндошади:

“Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканини, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, иқрор қилуб, тузатмакға саъй ва қўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур”².

¹ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т., 1992. –Б. 11.

² Ўша асар. –Б.11.

Ахлоқ лотинча *“moralis”*, *“mores”* сўзларидан олинган бўлиб, маъноси хулқ, одат демакдир. Ахлоқ сўзи арабча бўлиб, хулқ сўзининг кўплигидир.

Ахлоқ – ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи, барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси. Ахлоқ нормалари кишиларнинг хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Бунда баъзи хатти-ҳаракатлар, хулқ-атворлар, ахлоқий, баъзилари ахлоқсизлик деб баҳоланади. Ахлоқ ижтимоий онгнинг қадимги шаклларида биридир. Давр ўзгара борган сари ҳар қандай ҳодиса каби ахлоқ ҳам ўзгаради, ривожланиб, такомиллашиб, маънавий маданиятнинг кўринишларидан бирига айланиб боради. Ахлоқ ижтимоий муносабатлар замида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатларда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлишидир. Ахлоқ, дарҳақиқат, маънавият негизидир, асосидир, дейилса хато бўлмайди. Ахлоқни алоҳида фалсафий фан – *“этика”* ўрганади.

Этика, юнонча *“ethos”* сўзидан олинган бўлиб, маъноси хулқ, одат демакдир. Этика қадимда физика ва мантиқ билан биргаликда фалсафанинг узвий – учинчи қисми ҳисобланар эди. Кейинчалик Арасту биринчи бўлиб, *“Этика”* (*“Никомах этикаси”* ва *“Сиёсат”*) асарини, дарслигини ёзгач, у алоҳида фалсафий йўналишдаги фан мақомини олади. Этиканинг бошқа фалсафий фанлардан фарқи, ўзига хослиги шундаки, унда назария билан амалиётнинг, фаолиятнинг омухталлиги ва уйғунлигидир яъни бир-бирини тақозо этишидир. Қадимги антик давр донишмандларидан бирининг фикрича, фалсафани азим дарахт- чинорга қиёс қилсак, унинг илдизи табиат ҳақидаги таълимотлар, пояси – мантиқ, меваси эса – этикадир.

Баъзилар ахлоқ назариясини медицинага ҳам қиёс қилишади. Агар этика инсон руҳиятидаги нуқсонларни даволаса, шифокор инсон танасини даволайди. Бироқ булар ўртасида тафовут бор. Медицинада шифокор ва бемор иштирок этса, ахлоқда шахснинг ўзи холос. Шундай экан, этика одамга тайёр рецепт бера олишга қодир эмас, одам ўзидаги ахлоқий нуқсонларни тузатишга ўзи рецепт топиши лозим.

Арасту этикани жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади: *“Табиат инсон қўлига қурол – ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин; шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади”*³.

Этика ахлоқ ҳақидаги бир бутун илмий таълимот бўлиб, ахлоқнинг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиёт қонуниятларини аниқлаш билангина чекланиб қолмай, балки кишиларнинг хатти-ҳаракати, урф-одати, анъаналари, турмуш тарзи, яъни кишиларнинг ахлоқий ҳаётини, ахлоқий ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини, ахлоқнинг ижтимоий моҳиятини ва у орқали ижтимоий жараёнларни ўрганувчи қадимий фанлардан биридир. Этиканинг асосий

³ Аристотел. Политика. –М., 1911. –С. 8-9.

вазифаси ахлоқнинг келиб чиқиши, ахлоқий тушунчаларнинг табиати, ахлоқ мезони, маълум хатти-ҳаракатлар учун ахлоқий жавобгарлик масалаларини, шунингдек, ахлоқий онгнинг ўзгариш сабабларини ўрганишдан иборат. Давр ўзгара борган сари ҳар қандай ҳодиса каби ахлоқ ҳам ўзгаради, этика фалсафий, назарий, тарихий фан сифатида ривожланиб, такомиллашиб боради. Этика фан сифатида ахлоқни, одоб-хулқни, ахлоқий муносабатларни акс эттирибгина қолмай, балки одам интилиши лозим бўлган мақсадни, яъни юксак ахлоқий ғояни, бу ғояни амалга оширмақ учун қандай яшаб, қандай ҳаракат қилмоқликни маъносини очиб беради, одамларнинг юриш-туриши қандай деган саволга эмас, балки қандай бўлиши керак деган саволга ҳам жавоб беради. Шунинг учун ҳам ахлоқий иллатлар танқид қилинади, одамларнинг хатти-ҳаракатига юксак ахлоқий ғоя ва мақсад нуқтаи назаридан қатъий баҳо берилади.

Хулқ (одоб) деганда, расм-таомул, хулқ-атворларнинг бутунлиги, одамлар ўртасида иқтисодий тузум тақозоси билан, турмуш шароитининг алоҳида тарзидан, анъаналаридан пайдо бўлган ва лекин мунтазам қарашлар, қоидалар, йўл-йўриқлар системасига кирмаган муносабатларнинг хусусияти тушунилади.

Ахлоқ эса мазкур расм-таомул ва хулқ-одатларнинг умумлашганидир. Бу ахлоқий йўл-йўриқлар, нормалар, ахлоқ тўғрисидаги панд-насихатлар, қонун-қоидалар тўплами бўлиб, у ёки бу тарихий даврда муайян ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига мос келади. Масалан, рицарлик ахлоқининг қонун-қоидалари, ислом, христианлик ахлоқининг қоидалари ва бошқалар.

Хулқ (одоб) – одамларнинг амалий хатти-ҳаракати, одамлар ўртасидаги амалий муносабатлардир; ахлоқ эса мазкур хатти-ҳаракат нормалари ва қоидаларнинг ахлоқ талаблари шаклида ифодалаб берилганидир; *этика* бўлса, ахлоқ нормалари қоидаларининг изоҳлаб ва асослаб бериш демакдир, яъни аслида ахлоқ ҳақидаги назариядир. Агар бундай фарқ қилинадиган бўлса, демак, тарихан айна бир вақтда жамият пайдо бўлиши билан одамларнинг ахлоқий муносабатлари, хатти-ҳаракат усуллари ҳам пайдо бўлган ва бу муносабатлар ахлоқий қоидалар, нормалар тарзида, сўнгра эса ёзилмаган ахлоқ қонун-қоидалари тарзи уларнинг онгига сингиб қолган бўлиб чиқади; ниҳоят, ахлоқни назарий жиҳатдан асослаб ва изоҳлаб берадиган фан сифатида этика шаклланади.

Этика соҳасида ҳам хилма-хил назариялар, бир-бирига зид оқимлар, йўналишлар бўлиб келган. Ахлоқнинг вужудга келиши тўғрисида турли назариялар мавжуд бўлиб, бу назарияларга кўра, ахлоқ мавҳум ақл, мутлақ руҳ таъсирида вужудга келган, у тарихий шарт-шароитга боғлиқ ва у абадий, ўзгармасдир. Шунини айтиш керакки, ахлоқнинг бурч, виждон, ор-номус каби ўзига хос асосий категориялари бор. Бундай тушунчалар бир неча минг йиллардан буён мавжуд. Кишилар турли даврларда буларга амал қилиб келганлар. Тарих тажрибаси шунини кўрсатадики, бу тушунчалар ўзгариб, турли халқлар, миллатлар орасида ҳар хил мазмунга эга бўлганини кўрсатади. Демак, ахлоқий ҳодисаларга миллийлик, умуминсонийлик, тарихийлик нуқтаи назардан қарамоқ лозим.

Бинобарин, ахлоқ кишининг жамиятда тутган ўрнини белгилаб берар экан, бу билан киши ахлоқий ҳаракат қилиш лозим бўлган мақсадни ҳам асослаб беради. Бу ўринда ахлоқий таълимотлар типологияси, таснифи муаммосига аҳамият бериб, натурализм этикасида кенг тарқалган *гедонизм, эвдемонизм, утилитаризм* ҳақида тўхталамиз.

Гедонизм – юнонча сўз бўлиб, хузур-ҳаловат, лаззат маъносини англатади. Бу таълимотга кўра, хузур-ҳаловат этика назариясидаги ахлоқий талабларни асослаш принциpidир, азоб-укубатдан қутқарувчи табиий яхшиликдир. Бахт-саодат келтирувчи хузур-ҳаловат шундай нарса бўлиши керакки, унинг кетидан дард-алам, ёмонлик келмаслиги керак. Инсонга табиат томонидан берилган ва унинг бутун амалий фаолиятини белгилайдиган ҳаракатлантирувчи куч – хузур-ҳаловат, лаззатланиш, деган тасаввур гедонизмнинг асосини ташкил этади. Хузур-ҳаловатга эришиш мақсади ахлоқий талаб ва ҳамма унга интилиб яшаши лозимдир.

Эвдемонизм – юнонча сўз бўлиб, роҳат-фароғат, бахт-саодат маъносини англатади. Бу таълимот бахт-саодатга интилиш – ахлоқнинг асоси деб талқин этилади. Эвдемонизм антик этик таълимотларда Демокрит, Арасту, Сукрот ва Афлотун қарашларида кенг намоён бўлган.

Утилитаризм – юнонча сўз бўлиб, фойда, манфаат маъносини билдиради. Бу таълимот ҳам этикада бир йўналиш бўлиб, у хатти-ҳаракатнинг фойдалилиги, унинг ахлоқ-одоб мезони деб билади, бахт-саодат, яхшиликни фойда, манфаат билан боғлайди.

Бундан ташқари этика таълимоти соҳасида материализм билан идеализм ўртасида ўзига хос қарашлар бўлган. Марксизм этикага синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан ёндошади ва уларнинг “коммунистик ахлоқнинг асосида коммунизм жамиятини қуриш ва мустаҳкамлаш ётади” – деган фикрлар бўлиб, у пучга чиқди, тарих синовига бардош бера олмади.

XX аср этикасида ҳам турли йўналишлар мавжуд: руҳият таҳлили, экзистенциализм, прагматизм, неотомизм, ғайризўравонлик, ҳаётга эҳтиром, тасаввуфий йўналиш ва бошқалар.

Жамиятимиздаги ҳозирги янгиланиш жараёнида этиканинг ўз ўрни бор. Унинг олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларни фақат қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоққа янгича ёндашувлар асосидагина амалга оширса бўлади.

Янгича ёндашувлардан бири – этикада миллий ғоя ва мустақиллик мафқурасига эътиборни кучайтириш билан боғлиқ. Чунки замонавий комил инсон анъанавий ахлоқий қадриятлар билан йўғрилган янгича мафқураамизни ўзида мужассам этган, миллий ғояни ўз руҳий оламига сингдирган етук шахс бўлмоғи лозим. Унинг қалбида ахлоқ юксак ғояни ва юксак ғоя ахлоқийликни уйғунлаштирган маънавий ҳодисага айланмоғи керак.

Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмизми, - дейди Президент Ислон Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч”

асарида, - бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданиятнинг ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак”⁴.

Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятларини, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди, деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов ўзининг асарларида.

“Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму-хаё, ибо ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз”⁵.

Шундай экан, вақеликка очик кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни бугунги замон талаб этмоқда.

⁴ Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 117-118.

⁵ Ўша асар. –Б. 118.